

АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНИДА ФИРИБГАРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Утаев Хусниддин Хуррамович

Тошкент давлат юридик университети

мустақил изланувчиси

ORCID: <https://orcid.org/0009-0009-2222-1676>

e-mail: utaevhusniddin6@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22636292>

Qabul qilindi: 1-sentabr 2026-yil • Ma'qullandi: 3-sentabr 2026-yil • Nashr qilindi: 5-sentabr 2026-yil

Аннотация:

Мазкур мақолада айрим хорижий давлатлар жиноят кодексларида фирибгарлик жиноятига берилган таъриф, ушбу жиноятни келиб чиқиш асослари кўрсатиб ўтилган. Айрим хорижий давлатларга ушбу жиноят учун қандай тартибда жавобгарликка тортиш тартиби таққосланган. Бундан ташқари, мазкур мақолада фирибгарликнинг кўзбўямачилик тусидаги мурожаатларга оид, компьютер, банк, солиқ, почта, телемаркетинг, банкротлик, кредит карталаб орқали, тиббиёт, ҳукумат ташкилотларига қарши, суғурта, қимматли қоғозлар айланмасига оид турлари ҳам ўрганилган.

Калит сўзлар:

Айрим, жавобгарлик, жазо, жиноят, банкротлик, кредит, суғурта, компьютер, хорижий давлатлар, фирибгарлик.

Бизга маълумки, айрим хорижий давлатлар жиноят қонунида фирибгарлик тушунчаси ва у учун жавобгарлик масалаларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, Хитой давлати Жиноят кодексининг 192-198-моддалари фирибгарлик учун жавобгарлик белгилаган. Хитой давлатида фирибгарлик алдов асосида жиноятнинг усули ва предмети турларига кўра, ноқонуний пул маблағларини йиғиш, сақлаш, банкдан ёки бошқа кредит ташкилотларидан фирибгарлик йўли билан кредит олиш, вексил, аккредитив кредит картлари билан боғлиқ фирибгарлик турларига ажратилган¹.

АҚШ жиноят қонунчилиги бўйича фирибгарлик деганда алдов тусига эга бўлган усул, келишув ва серкирра ҳаракатлар тизими тушинилади (АҚШ намунадаги ЖКси 224-моддаси). АҚШ жиноят қонунига мувофиқ фирибгарликнинг кўзбўямачилик тусидаги мурожаатларга оид, компьютер, банк, солиқ, почта, телемаркетинг, банкротлик, кредит карталаб орқали, тиббиёт, ҳукумат ташкилотларига қарши, суғурта, қимматли қоғозлар айланмасига оид турлари мавжуд².

Япония жиноят қонунчилигида фирибгарлик бошқа шахсдан мулкни алдаш орқали эгаллашни англатади (Япония ЖКси 246-модда). Япония жиноят қонунига кўра, агар шахс ўзи ёки бошқа шахс учун ноқонуний мулкий фойда кўриши ҳам фирибгарлик ҳисобланади³.

¹ Коробоева А.И. и Чучаева А.И., пер. С китайского проф. Хуан Даосю. Уголовный кодекс Китая. – М.: ООО «Юридическая фирма контракт», 2017. – 98-102-б.

² Савченко А.В. Уголовное законодательство Украины и федеральное уголовное законодательство США. Киев: КНТ, 2007. – Б.596.

³ Коробоева А.И. Уголовный кодекс Японии. СПб., Юридический центр Пресс., 2002. – С.226.

Франция жиноят қонунчилигида фирибгарлик жисмоний ёки юридик шахсни алдов асосида чалғитиб, бегона исм, ёлғон мавқе ёки хизмат мавқеидан фойдаланиб пул, қимматли қоғозлар, моддий бойликлар ёки бошқа мулкларни ўзлаштиришда ёки уларни ўзларига наф келтирмайдиган битимлар тузишига эришишда ифодаланади⁴.

Германия жиноят кодексида фирибгарлик оддий, алоҳида оғир, компьютер, субсидия олишга қаратилган, капитал киритишга оид, кредит турларига бўлинади⁵. Шунингдек, Германия жиноят қонунида тўлов ва банк карталаридан алдов йўли билан фойдаланиш, суғурта соҳасидаги ишонччи суиистеъмол қилиш каби жиноят таркиблари ҳам мавжуд.

Ривожланган хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фирибгарлик жиноятининг универсал таркиби бўлиши ижтимоий муҳитнинг бугунги ривожланиш даражасига жавоб бермайди. Фирибгарликнинг усул ва турларига кўра дифференциациялашуви давр талаби бўлиб, фирибгарлик усулининг турлари уларнинг ижтимоий хавфлилигига таъсир қилади. Фирибгарлик жиноятининг объектив томонининг зарурий белгилари алдов ва ишонччи суиистеъмол қилиш бўлиб, бугунги кунда ушбу жиноятнинг қўшимча белгиларига, яъни усулларига кўра бир неча турларга ажратиш мумкин. Ижтимоий хавфлилиги нисбатан баланд бўлган усулда содир этилган фирибгарлик билан ижтимоий хавфлилиги нисбатан паст бўлган фирибгарлик учун умумий норма асосида жавобгарлик белгиланиши жиноят қонунининг инсонпарварлик ва одиллик принципларига зид бўлиб қолади. Тўғри жазони индивидуаллаштириш орқали мазкур муаммони ечиш мумкин, лекин бу жиноят профилактикасида, олдини олишдаги муаммоларни ечиб бермайди. Қолаверса, судлар ҳар доим ҳам жазони индивидуаллаштиришда объектив сабабларга кўра бир хилда қарор қабул қила олмайдилар.

Баъзи МДХ республикалари Жиноят кодексларида (Арманистон Жиноят кодекси 148-моддаси, Россия Жиноят кодекси 159-моддаси, Озарбайжон Жиноят кодекси 147-моддаси, Қозоғистон Жиноят кодекси 177-моддаси) фирибгарликка “Фуқароларнинг шахсий мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан эгаллаш”, деб таъриф берилган. Эстония (ЖКнинг 143-моддаси), Грузия (ЖКнинг 170-моддаси) ва Қирғизистон (ЖКнинг 166-моддаси)да “Фирибгарлик деб бировнинг мулкни, мулкка бўлган ҳуқуқини ва бошқа мулкый ҳуқуқларини алдаш ёки ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан олишга айтилади”.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, фирибгарлик тушунчаси МДХ Республикалари қонун чиқарувчи органлари шахсий мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқни “эгаллаш”, “олиш” каби турли терминларни ишлатадилар. Худди шунингдек, бу масала устида ишлаган бир неча ҳуқуқшунослар, жумладан А.Д.Маргуновский бу масалада чалкашликка йўл қўйган. У ўз рисоласида “олиш” терминини фирибгарлик тушунчасини тўлароқ ва тўғрироқ очиб беради деб ҳисоблайди. Худди шу рисоланинг интихосида “фирибгарлик шахсий мулкни ва мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини алдаш ёки ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан эгаллаш”⁶, деб ёзади.

Рус тилининг изоҳли луғатига мурожаат қиладиган бўлсак, “завладеть” сўзи кимни ниманидир, бутунлай ўз тасарруфига олиш, эгаллаш деб изоҳланса, “получить” эса олиш, тақдим этилаётган нарсани олиш ва ҳоказолар деб берилган.

Бизнингча “олиш” сўзининг маъносини аниқ берилиши кундалик маиший соҳада зарур, аммо жиноят ҳуқуқи учун аҳамият касб этмайди. Шу сабабли юқоридаги сўзлар ўрнига “талон-тарож” терминини ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Бу сўз кўп йиллар мобайнида синалган ва таниш сўз сифатида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда.

Фирибгарлик жиноятини содир этиш жараёнида жиноятчи фақат мулк ёки мулкка бўлган ҳуқуқни эгаллабгина қолмасдан, балки маълум бир мулкый фойдани ҳам олиши мумкин. Бу тўғрисида Ўзбекистон, Эстония, Грузия ва Қирғизистон Жиноят кодексларида кўрсатилган. Бошқа қардош Республикаларнинг Жиноят кодексларида бундай қисм йўқ, бу ҳолда бошқа

⁴ Code penal de la France (22 juillet 1992) // Legifrance.gouv.fr (Le service public de la diffusion du droit) URL: <http://www.legifrance.gouv.fr/affichCode.do?cidTexte=LEGITEXT000006070719> (01.05.2020 й. ҳолатига).

⁵ GERMAN CRIMINAL CODE // Federal Law Gazette [Bundesgesetzblatt]. Уголовный кодекс Германия. СПб., Юридический центр Пресс., 2002. – С.126. <https://constitutions.ru/?p=5854>

⁶ Маргуновский А.Д. Уголовно правовые проблемы борьбы с мошенничеством. М.2007. – С.45.

жиноят таркиби бўлмаганда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш билан мулккий фойда олганлик учун жиноий жавобгарлик бўлмайди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, баъзи МДХ Республикалари Жиноят кодекси шарҳларида жазоланиши зарур бўлган фирибгарлик предмети қилиб “фирибгарлик туфайли жабрланувчига зарар етказиш мумкин бўлган мулккий тусдаги бошқа фойдалар”⁷ ҳам олингандир.

Бу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки мулкка қарши қаратилган ҳар қандай жиноят моддийдир ва иқтисодий қийматга эга бўлиши лозим, мулкка бўлган ҳуқуқ эса моддий бўлмаган категориядир ва у ижтимоий муносабатлар объектига киради. Демак, мулкка бўлган ҳуқуқ жиноятнинг предмети эмас, балки объектига киради.

Фирибгарлик кўпроқ шаҳар, вокзал, аэропорт, бозорларда, катта дўконлар олдида катта-кичик гуруҳга бирлашган шахслар орқали содир этилади. Масалан: “Ангишвона” ўйинида бир неча бажарувчилар бўлиб, қақирувчилар, қўриқловчилар ва бевосита ўйинни олиб борувчилар орасида вазифалар тақсимланадиган бўлади.

Жиноят ишларини ўрганиш шуни кўрсатадики, фирибгарлик “операция”ларини бажариш учун фирибгар ўз ишларининг хусусиятларига қараб жой танлайди. “Фолбин”лар “ишончли суҳбат” учун қулай бўлган тинч истироҳат боғлари, хиёбонларни маъқул кўради. Пулни “бўлувчи”лар, “қўғирчоқ”бозлар эса аксинча одам гавжум жойларни ёқтиради, чунки шовқин-сурон мижозлар эътиборини тортади, ҳушёрликни чалғитади.

Фирибгарликни ҳуқуқий тартибга солиш масаласи бошқа хорижий давлатларда қандай ҳал қилинганини кўриб чиқиш фойдадан ҳоли эмас деб уйлаймиз. Энг аввало шуни айтиш керакки, Испания, Болгария, Югославия давлатларининг жиноят қонунларида фирибгарлик фақат алдаш билан содир этилади дейилган. Ишончни суиистеъмол қилиш эса бошқа жиноят таркибини ҳосил қилади. Югославия Жиноят кодексининг 260-моддасида ишончни суиистеъмол қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Унда ишончни суиистеъмол қилишга: “Шахснинг мулккий манфаатини ёки унинг мулкчини назорат қила туриб, ўз бурчини бажараслик ва унга берилган ваколатларни суиистеъмол қилиб, ўзи учун ёки учинчи бир шахс учун фойда олишга ҳаракат қилиб, мулкнинг устидан назорат қилиниши керак бўлган шахсга зарар етказиш”⁸ деб таъриф берилган.

Худди шундай жиноят таркиби Болгария Жиноят кодексининг 265-моддасида ҳам бор. Бу ерда ишончни суиистеъмол қилиш тушунчаси аниқроқ берилган “жавобгарга сақлаш ёки бошқариш учун ишониб топширилган бировнинг мулкига онгли равишда зарар етказиш”. Болгария жиноят қонунчилигининг юқоридаги моддасида ваколат берган шахснинг ишончни суиистеъмол қилиб, онгли равишда унинг қонуний манфаатларига зарар етказган вакил ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши айтилган. Югославия Жиноят кодексининг 260-моддасида адвокатлар ва васийлар ишончни суиистеъмол қилганлаклари учун жавобгарлик белгиланган.

Венгрия Республикаси Жиноят кодекси “Жамоат ва фуқароларнинг мулкига қарши жиноятлар” бобининг 293-§ да “бировни янглиштириб унга зарар етказиш ёки моддий фойда олиш мақсадида уни янглиштириш фирибгарликдир” дейилган. МДХ ва хорижий давлатлар жиноят қонунларида фирибгарликка қарши қаратилган жиноят ва жазо ҳуқуқий нормаларини батафсил бўлмасада, киёсий таҳлил қилиш, фирибгарликка берилган таърифда принципиал фарқлар йўқ деган хулосага келинди.

Ривожланган ғарб давлатлари қонунларига назар ташлайдиган бўлсак, барча давлатларнинг жиноят қонунларида фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Турли хорижий давлатларнинг Жиноят кодексларида фирибгарликка берилган таъриф Ўзбекистон Жиноят кодексидаги ушбу жиноят тушунчасидан унчалик фарқ қилмайди. Фирибгарлик жиноятининг асосий белгилари: қонунга хилоф равишда моддий фойда олиш, шу мақсадда алдаш, шахсни янглиштириш ҳамма қонунларда бир хил белгиланган. Баъзи мамлакат қонунлари жабрланувчининг мулкчини ўз хоҳиши билан бериши ҳам жиноятнинг белгиси деб ҳисоблайди.

Баъзи ғарб давлатлари Жиноят кодекслари фирибгарлик жиноятининг умумий таркибидан ташқари унинг махсус турлари учун ҳам жиноий жавобгарлик белгилайди. Олмония Жиноят

⁷ Комментарий к УК Казакстан. Алма-ата, 1999. – С.232.

⁸ А.А.Малиновский. Уголовное право зарубежных стран. Учебные пособие, Москва, 1998. – С.49

кодексида суғурта пулини олиш мақсадида фирибгарлик ишлатганлик, ўйин автоматларидан бепул фойдаланиш учун фирибгарлик ишлатиш, транспорт хизмати ва томоша тадбирларидан текин фойдаланганлик учун (22-боб, 265-§) жиноий жавобгарлик белгиланган.

Олмония Жиноят кодексида бировнинг мулкий манфаатларни ҳимоя қилиш буйича юклатилган мажбуриятларни ёки мулкни тасарруф этиш учун берилган ваколатларни ишонччи суиистеъмол қилиб бўзганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Италия Жиноят кодексида “ишонувчанликни суиистеъмол қилиш” деганда алоҳида жиноят таркиби кўзда тутилган. Ишонувчанликни суиистеъмол қилиш деганда вояга етмаган шахснинг тажрибасизлигидан ёки бошқаларга зарар етказиши мумкин бўлган ҳуқуқий оқибатларга олиб келувчи ҳаракатларни содир этишга ундаш (ЖКнинг 643-модда) тушунилади.

Бизнинг фикримизча, жиноят қонунимизда талон-торожнинг умумий тушунчасини бериш лозим. Россия⁹, Монголия, Болгария давлатларининг Жиноят кодексларида бундай таъриф мавжуддир.

Польша давлатининг Жиноят кодекси 120-модданинг 8-§ да талон-тарожга “ўзи ёки бошқа биров учун мулкий фойда олиш деб таъриф берилган ва талон-тарож кўринишлари сифатида ўғирлик, ўзлаштириш, фирибгарлик кўрсатилган”¹⁰.

Мулкка қарши алдаш йўли билан содир этиладиган жиноятлар турли-тумандаги сабабли, Италия ЖКга махсус боб сифатида киритилган (ЖКнинг XIII бўлими 2-боб).

Мулкнинг шаклларида яна бири интеллектуал мулк ҳисобланади. Бу мулкнинг объекти – инсон ақл-заковати, интеллектнинг маҳсули бўлган кашфиёт, ихтиро, бадий асарлар ва ҳ.к. лар ҳисобланади¹¹.

Ҳозирги вақтда фирибгарлик йўли билан интеллектуал мулкни эгалаш ҳоллари тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, компьютер фирибгарлиги. “Масалан Чехия полицияси Прага шаҳрида жойлашган “Диалог-агро” фирмасидаги, компьютер қароқчилари”ни қўлга олди. Гап шундаки, бу фирма компьютер дастурларини қароқчиларга кўчириб олиш ва сотиш билан шуғулланганликда айбланмоқда.

Бундай шаклдаги мулкни қўриқлаш муаммоси ривожланган мамлакатлар жиноят қонунларини такомиллаштириш вазифасини қўяди. Кўпчилик давлатларда интеллектуал (ақлий) мулкни талон-тарож қилиш учун жавобгарликни кўзда тутувчи жиноят қонунлари ҳали яхши ривожланган эмас. Шу сабабли эътибор фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигига қаратилгандир. Масалан, Италиядек ривожланган давлатда ҳам бу қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланмаган.

Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимизда ҳам кўплаб компьютерлар мавжуд. Улардан халқ хўжалигида, илм-фаннинг турли соҳаларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Буларнинг барчаси интеллектуал (ақлий) мулкни компьютер фирибгарлигидан ҳимоя қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Шу сабабли компьютер фирибгарлиги учун жавобгарликни янада такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб ҳал қилиш керак бўлади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Бойцов А.И. Преступление против собственности. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. – С.21.; Борзенков Г.Н. // В кн.: Курс уголовного права. Особенная часть. Том 3 / Под ред. Г.Н. Борзенкова и В.С. Комиссарова. – М.: Зерцало-М, 2002. – С. 388.
2. Байрамова М.Н. Ответственность за мелкое хищение личного и государственного имущество. Автореферат кандидат юрид. наук, – Баку, 1994, – С.14.
3. Владимиров В.А., Ляпунов Ю.И. Ответственность за корыстные посягательства на социалистическую собственность. – М., 1986. – С.126.
4. Волженкин Б.В. Экономические преступления. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 1999.

⁹ Уголовное право. Особенная часть. Учебник, Москва-1998 год, – С.215.

¹⁰ Каволев А. Современное польской уголовное право. М. Зерцало. 1996. – С.74

¹¹ Интеллектуальная собственность. Основные материалы./Перевод с английского. Часть 1. Новосибирск: Наука, 1993. – С.1-3.

5. Гаухман Л.Д., Максимов С.В. Ответственность за преступление против собственности. – М.: ЮрИнфоР, 1997. – С.18.
6. Дадонов С. Ответственность за хищение государственное и личную имущества. – М. Юрист, 1998. – С.43.
7. Зверко А.Е. Преступление против государственного имущества и борьба с ними, – Харьков, 1996, – С.134.
8. Исмоилов И. Криминологическая характеристика и профилактика хищений, совершаемых при закупке сельхозпродукции у населения: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 1991.
9. Ниёзова С.С. Ўзгалир мулкни иштирокчиликлда талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2007.
10. Каракетов Ю., Абдусаломов М. Ответственность за вымогательство. – Ташкент: Адолат, 1997.
11. Олимжанов Б. Мансаб билан боғлиқ талон-торож қилиш жиноятининг тавсифи // Давлат ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2004. – № 3. – Б. 32-34.
12. Нестерович С.А. Проблемы расследования преступлений, которые стоят перед сотрудниками следственных органов. // Вестник науки и образования. №8. 2018. С. 46-49. 5. Борова Д.М. Расследование киберпреступлений // Пробелы в российском законодательстве. №2. 2018. С. 173-175.
13. Уголовное право. Особенная часть. Учебник, Москва-1998 год, – С.215.
14. Каколев А. Современное польской уголовное право. М. Зерцало. 1996. – С.74

ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА МОШЕННИЧЕСТВО В УГОЛОВНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ ОТДЕЛЬНЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ ГОСУДАРСТВ

Утаев Хусниддин Хуррамович

независимый исследователь

Ташкентский государственный юридический университет

ORCID: <https://orcid.org/0009-0009-2222-1676>

E-mail: utaevhusniddin6@gmail.com

Аннотация:

В настоящей статье рассматриваются определения мошенничества, закрепленные в уголовных кодексах отдельных зарубежных государств, а также анализируются основные предпосылки возникновения данного вида преступления. Проводится сравнительно-правовой анализ порядка привлечения к уголовной ответственности за мошенничество в отдельных зарубежных государствах. Кроме того, в статье исследуются различные виды мошенничества, включая мошенничество, связанное с ложными обращениями и фиктивными предложениями, компьютерное мошенничество, банковское мошенничество, налоговое мошенничество, почтовое мошенничество, телемаркетинговое мошенничество, мошенничество в сфере банкротства, мошенничество с использованием кредитных карт, медицинское мошенничество, мошенничество против го ценных бумаг.

Ключевые слова:

ответственность, наказание, преступление, банкротство, кредит, страхование, компьютер, зарубежные государства, мошенничества.

LIABILITY FOR FRAUD UNDER THE CRIMINAL LEGISLATION OF SELECTED FOREIGN STATES

Utaev Khusniddin Khurramovich

Independent Researcher, Tashkent State University of Law

ORCID: <https://orcid.org/0009-0009-2222-1676>

E-mail: utaevhusniddin6@gmail.com

Abstract:

This article examines the definitions of fraud established in the criminal codes of selected foreign states and analyzes the main factors underlying the emergence of this type of crime. A comparative legal analysis is conducted of the procedures for holding individuals criminally liable for fraud in selected foreign countries. In addition, the article examines various forms of fraud, including fraud involving deceptive claims and fictitious offers, computer fraud, bank fraud, tax fraud, mail fraud, telemarketing fraud, bankruptcy fraud, credit card fraud, medical fraud, fraud against government organizations, insurance fraud, and securities fraud.

Keywords:

liability, punishment, crime, bankruptcy, credit, insurance, computer, foreign states, fraud.